



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

● 2009-yil ● 6-avgust ● Payshanba ● 92 (30.053) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗХДП
жамоатчилик
қабулхоналари
партиянинг
электорат
билан
алоқасини
муштақкамловчи
муҳим
воситадир.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 5 август куни Грузия ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Георгий Кублашвили ва Руперт Жой ишонч ёрлиқлари топшириди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, дипломатларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу икки давлат билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон — Грузия муносабатлари 1995 йилда имзоланган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатдорлик ва дўстлик тамойилларига асосланади.

Иқтисодий соҳада савдо-сотиқ ва транспорт коммуникациялари йўналишидаги алоқалар алоҳида ўрин тутди. Айни пайтда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳужжатларро комиссия савдо-сотиқ борасида аънанавий маҳсулотлар билан чекланмасдан, янги товарларни айирбош қилиш имкониятларини кўриб чиқмоқда. Хусусан, Грузия томони Ўзбекистондан фақат пахта ё транзит юк эмас, бугдой ҳам импорт қилиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Г. Кублашвили Ўзбекистон билан Грузия ўртасида аънанавий дўстона муносабатлар қарор топганини, ҳамкорлик қўламини имкон қадар мавжуд имкониятлар даражасига етказишни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар қўламини кенг бўлиб, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга, Буюк Британия Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро ҳавфсизликни муштақкамлаш борасидаги ташаббусларини юқори баҳолайди ва мамлакатимиз билан сиёсий ҳамкорликни юксак қадрлайди.

Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги йirik савдо-иқтисодий шерикларидандир. Ўзбекистонда Буюк Британия сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 195 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ушбу мамлакатнинг 55 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

Гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. Тошкентда очилган Халқаро Вестминстер университети олий таълим соҳасидаги ҳамкорлигининг ёрқин натижасидир. Икки мамлакатнинг қатор олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланган. Академик доиралар илм-фаннинг турли соҳаларида қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда.

— Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бормоқда, — деди элчи Р.Жой. — Биз савдо-иқтисодий алоқаларни, бизнес вакилларининг бевосита мулоқотларини ривожлантириш, таълим соҳасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтириш йўналишларидаги ишларни фаоллаштиришни кўзда тутмоқдамиз.

(ЎзА)

Ўз мухбирларимиз
хабар қиладилар

КОНЧИЛАР ДАСТУРХОНИДА ЁЗ ТЎКИНЧИЛИГИ

Навой тоғ металлургия комбинатида қарашли «Дўстлик» агрофирмаси Зарафшон, Зафаробод, Учқудуқ кончиларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш билан шуғулланади. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда агрофирма ахли саноатчиларни 400 тонна узум, 437 тонна олма ва ўрик, 680 тонна сўт ҳамда 120 тонна гушт маҳсулотлари билан таъминлашга аҳд қилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида

кончилар агрофирмадан жами 1,5 минг тоннадан ортиқ мева, сабзавот ва чорва маҳсулотлари қабул қилиб олди.

—Кончиларимиз дастурхонини ёз нознеъматлари билан тўлдирётганимиздан мамнунмиз, — дейди агрофирма директори Раулжон Хусенов.

Дарҳақиқат, қизилқумлик саноатчилар аррий чўл бағрида ҳам юртимиз ёзи тўкинчилигидан тўла баҳрамандирлар. **Музаффар ШАРОПОВ**

КУЙГАНЁР ШИФЕРЛАРИ

Янги иморат кураётган, уйлари томини таъмирлаётган куйганёрликлар шифер излаб узоққа бормайдиган бўлишди. Андижон туманининг Куйганёр шаҳарчасидаги «Андрометаллхамкор» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида шифер тайёрлаш йўлга қўйилди. Хозиргача 200 минг донна шифер ишлаб чиқарилди. Европа андозалари даражасидаги маҳсулотнинг сифати хариддорларга манзур бўлмоқда.

Қўшма корхонада 40 иш ўрни яратилган бўлиб, йил охиригача 600 минг донна шифер тайёрлаш режалаштирилган.

Аҳмадило СОЛИЕВ

ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши конференциясида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Конференциядан икки кун олдин вилоят партия кенгаши бўлиб, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси партиянинг бир гуруҳ фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан суҳбатлашаётгани устидан чиқдик.

— Очиғи, ҳисобот маърузадан кўнглим тўлмаяпти, — деди вилоят партия кенгаши раиси Парда Юлдошев. — Назаримда унда танқидий-тахлил етишмаётгандай. Уни яна бир бор кўриб чиқиб, Жамоатчилик қабулхоналари, тарғибот-ташвиқот ишлари оид қисмини аниқ мисоллар билан бойитсак, масалани янаям жиддийроқ, кескинроқ қўйсак, дегандим. Шу масалада сизларнинг фикрларингизни билмоқчийдим.

(Давоми 2-бетда)

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ УЧУН КУРАШИШ ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

ЎзХДП минтақавий ташкилотлари конференциялари




КОНФЕРЕНЦИЯДА МАЪРУЗА ДИҚҚАТ БИЛАН ТИНГЛАНДИ. ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ
ФАОЛИЯТИ ТАХЛИЛ ЭТИЛДИ, ТАНҚИД ҚИЛИНДИ, ТЕГИШЛИ
ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ, НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ.

ЎЗСУВ БЎЙЛАРИДАГИ УНЁДКОРЛИК

пойтахтимизнинг Учтепа туманида амалга оширилаётган
ободончилик-маъмурчилик ишлари хусусида

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига



Учтепа тумани 1977 йил 15 сентябрда ташкил этилган. Дастлаб Акмал Икромов номи билан юритилган. 2005 йил 6 май куни туманининг тарихий жой номидан келиб чиқиб, Учтепа деб аташга қарор қилинди. Туман пойтахтимизнинг гарбий қисмида жойлашган бўлиб, Шайхонтохур, Чилонзор ва Тошкент вилоятининг Зангиота туманлари билан чегарадор. Худудидан Бўзсув ва Қорақамиш каналлари оқиб ўтади. Умумий майдони 2815 гектар, 237 минг

кишидан зиёд аҳоли яшайди.


Туманининг ўртасидан оқиб ўтувчи Бўзсувнинг ўнг соҳилида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосан яқка тартибдаги уй-жойлар, чап соҳилида кўп қаватли уйлар қурилган. Кейинчалик ўнг соҳилининг Катта ҳалқа йўли атрофида кўп қаватли уйлар бунёд этилди, чап соҳилининг Гулистон ва Катта Қаъни кўчаларидан Иzza даҳасигача бўлган қисмида яқка тартибли уйлар ҳам қад ростлади. Учтепа туманида 53 та ма-

ҳалла фуқаролар йиғини бор, шулардан 17 таси кўп қаватли уйлардан ташкил топган. Уларнинг аксарияти Учтепа, Кўҳна Чўпонота, Кўкча оқтепа, Бешқайрағоч, Нишаб ариқ, Ўрикзор, Шафтолизор каби тарихий номлар билан аталади. Тумандан 481 та кўча ўтади. Асосий кўчалари: Бешқайрағоч, Фозилтепа, Фарҳод, Ширин, Лутфий, Маннон Уйгур, Назарбек, Истироҳат.

2 ва 3-бетлар




20 йилдан
кейин
съезд
ўтказилди 3



САЙЁРАМИЗНИНГ
ЕР
ФОНДИ 4

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган



ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ УЧУН КУРАШИШ

ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

— Тўғри айтасиз, — деди Жиззах шаҳар партия кенгаши раиси Носиржон Сиддиков. — Ютуқлар ўзимизники. Менимча, кўпроқ ишимиздаги камчиликлар нуқсонлар ҳақида сўз юртсак, уларни бартараф этиш юзасидан амалий тақлифлар айтсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Англикки, бўлажак конференцияга ҳозирлик кўриш жараёни кетаётганда, беш йилда бир бўладиган анжумани кўнгилдагидек ўтказиш ҳақида гап бўлаётганда...

Кеча бўлиб ўтган конференция ишини кузатар эканмиз, ана шундай баҳс-мунозаралар, қизгин тортишувларнинг натижалари, самараларини кўрганда, ҳис қилгандай бўлди. Аввало конференция делегатлари, иштирокчилар танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи билан суғорилган тахлиллий маърузани қизиқиш билан тингладилар.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси V курилойти ва 2004 йилда бўлиб ўтган сайловлардан сўнг партияимизни изчил ислоҳ қилиш жараёни давом эттирилди, катта ўзгаришлар амалга оширилди. — деди конференцияда асосий маъруза билан чиққан вилоят партия кенгаши раиси П.Юлдошев. — Бу ҳолни вилоят партия ташкилоти фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, партиянинг шаҳар, туман кенгашилари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, бошланғич ташкилотларнинг фаолиги ошди, улар қатъий, ташаббус кўрсатиб ишлашга интила бошлади.

Хисобот даврида партия сафига 4654 киши қабул қилинди. Уларнинг 1551 нафари хотин-қизлар, 1242 нафари ёшлардир. Айни пайтда партия ташкилоти ҳисобида 14189 нафар аъзо бўлиб, улар 434 та бошланғич ва ҳудудий ташкилотга бириктирилган. Бўлиб ўтган ҳисобот-сўзлов йилгилишларида улар фаолияти яна бир бор таҳлил этилди. Афсуски, айрим бошланғич партия ташкилотлар фаолиятида суस्तаслик, етарликам ташаббус кўрсатмаслик каби қусурлар кўзга ташланмоқда. Бундай салбий ҳолатларни кўпроқ Зафаробод, Арнасой, Дўстлик туманлари мисолида кўриш мумкин.

Бугун туман, шаҳар партия кенгашилари қошида 16 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатмоқда. 2008 йил мобайнида уларга 1809 нафар фуқаро мурожаат қилди. Шундан 1584 тасида қўйилгани муаммо ва масалалар тегишли давлат идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлар билан ҳамкорликда ҳал этилди. Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолияти самарали бўлиши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, Жиззах, Дўстлик, Зафаробод туманларида партияни электорат билан боғловчи бу тузилма ишига эътибор жуда суст.

Қайси туманда партия етакчилари, кенгаш раиси фаол бўлса, депутатлик гуруҳи иши яхши йўлга қўйилса, сиёсий тадбирлар мунтазам ўтказиб турилса, ўша ерда тараққийларимиз, сафимизга қўшилувчилар кўпаяди. Буларнинг ҳаммаси охири-оқибати халқ орасида партияимизнинг маъқеини оширишга хизмат қилади. Шунга қарамадан Бахмал, Дўстлик, Зафаробод туманларида бу масалага етарлича аҳамият берилмапти.

Айни пайтда бўлажак сайловларга лухта ҳозирлик кўриш долзарб вазифамиздир. Бу партияимизнинг ҳар бир фаоли, бошланғич ташкилоти етакчиси зиммасига катта

масъулият юклайди.

Муҳокамалар чоғида сўзга чиққанлар вилоят партия ташкилоти фаолияти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар айтдилар.

Ақром ИНОМОВ,
халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Ўтган беш йил мобайнида вилоят Кенгашининг 22 та сессияси бўлиб ўтди. Уларда 130 га яқин турли масалалар муҳокама этилди. Шундан 7 таси бевосита партияимиздан сайланган депутатларнинг ташаббуси билан кун тартибга киритилган. Мисол қилиб вилоят тиббиёт муассасалари биноларини таъмирлаш ҳамда янгисини қуриш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ислоҳ қилиш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқларда йўллари таъмирлаш каби масалаларни айтиш мумкин. Жумладан, Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор туманлари ва Жиззах шаҳрида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тадбирла-

ри иши номига ташкил этилиши эмас, балки партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамловчи муҳим ришта бўлиши зарур. Жойларда бундай қабулхоналар аҳолининг муаммоларини ўрганиш, партияимиз электорати, ишонч, умид билан мурожаат қилаётган юртдошларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларга ҳуқуқий, амалий ёрдам бериш учун ташкил қилинган. Одамларнинг ишончини қозониш, кўпчиликин ортимиздан эргаштириш мақсадида ана шу имкониятдан самарали фойдаланиш йўллари ахтаришимиз керак.

Парда ШУКУРОВ,
вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандиси, партия фаоли:

— Бошланғич ташкилотлар партиянинг аҳоли кенг қатлами, электорат билан алоқаларни мустаҳкамлаш, жойларда партиянинг обрўсини ошириш, маъқеини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Афсуски бу борада камчиликлар оз эмас. Бошланғич ташкилотлар фаолигини ошириш, уларни рағбатлантириш йўллари ҳақида ўйлашимиз керак.

Юлда ХАМРОКУЛОВА,
«Зулфия» номидаги Давлат мукофоти совирдориди, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Бугунги анжуманда ёшлар, уларнинг ижтимоий ҳаётига оид долзарб масалалар ҳам қўриб чиқилди. Вилоятимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти 3 мингга яқин йигит-қизни ўз атрофида бириштирган. Бу — катта қуч.

«Истиқбол»чилар томонидан ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида миллий мафкураимизнинг ўзига хос хусусиятлари, урф-одатлар ва қадриятларнинг аҳамияти, диний экстремизм ва ақиданарастликнинг хавfli томонлари хусусида турли семинар-тренинглари ўтказиб келмоқдамиз. Уларда бугун ёшлар орасида долзарб бўлган масалалар билан бирга, партияимиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб тенгдошларимизнинг бандлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Ҳозир кўп қаватли уйлар олдидаги болалар спорт майдончаларини талаб даражасига келтириш бўйича партияимиз ёшлар қаноти аъзолари томонидан билдирилган тақлифларини амалга ошириш чоратадбирларини кўраётимиз.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хамидулла Назаров партияимиз олдида турган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда вилоят партия ташкилоти фаолиятини янада кучайтириш масалалари ҳақида сўз юртди.

Конференция кун тартибидеги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу кун вилоят партия кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда Парда Юлдошев Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
Ойбек ҚУШБОҚОВ,
В.ГОНЧАРЕНКО олган суратлар.

БЎЗСУВ БЎЙЛАРИДАГИ

пойтахтимизнинг Учтепа туманида амалга оширилаётган
ободончилик-маъмурчилик ишлари хусусида

Ҳозирги кунда туманда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 2664 тани ташкил этиди, улардан 2180 таси микрофирма, 323 таси кичик корхона. Ишлаб чиқаришда заргарлик заводи, нон-қандолатчилик, сўт комбинатлари, «Байлак-Текстиль», «Шайхонтоҳур-Текстиль» қўшма корхоналари, «Фонон» бирлашмаси каби корхоналар етакчи ўринда туради. 11 та транспорт корхонаси бўлиб, уларда 3482 нафар киши меҳнат қилади. Пойтахтимиздаги иккита трамвай депосидан бири — 2-трамвай депоси Учтепа тумани ҳудудида. Ундаги 73 трамвайнинг 20 таси кейинги икки йил ичида хориждан сотиб олинди.

«Фарход деҳқон бозори» очик акциядорлик жамиятида олиб борилган қурилиш ва таъмирлаш ишларининг яқунлигини қутлуғ байрамларимиз олдида шаҳарликлар учун ажойиб совға бўлди. Айни пайтда бозорда 6 секторга бўлинган ҳолда 2549 та шинам савдо ўрни яратилди, харидорлар юриш йўлига плиталар ётқизилди. Аҳолига арзон ва сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш бўйича тадбирлар белгиланди.

Бундан йигирма йиллар олдин Бўзсувнинг устидан ўтган Катта халқа йўлидаги кўприқдан атрофни кузатган кишининг қаровисиз жойларни кўрганда кўнгли хира тартади. Эндиликда бу ҳудуд обод ва гажум масканга айланди. Ҳозир шу кўприқдан «Карвон бозори»га қараган кишининг кўзи яйрайди. Унинг яқинида «Қурилиш моллари бозори», сал нарироқда «Гилам бозори».

Эл соғлиги — кўп бойлиги

Кейинги йилларда туманда бир қанча замонавий поликлиникалар қурилди, уларнинг яқин тартибли уйлардан иборат маҳаллалар ҳудудида очилгани айни мудида бўлди. Шу ўринда 23- ва 26-оилави поликлиникаларни алоҳида таъкидлашимиз керак. Умуман олганда, туманда 5 та шифохона (989 ўрин), 9 та врачлик-амбулатория поликлиникаси, 1 та марказий поликлиника, 6 та оилавий поликлиника, 1 та стоматология поликлиникаси, 2 та тиббий илмий-тегириш институти, 2 та диспансер бор. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли Тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник касалхонаси ҳам туман ҳудудида жойлашган.

Таълим-тарбия — ҳаётнинг боши

Туманда 50 та мактаб-гача тарбия муассасаси

(Давоми. Боши 1-бетда)



«Учтепа» спорт мажмуаси

бўлиб, уларда 1380 нафар тарбиячи-ҳодим 11500 дан зиёд болажонларимизга тарбия беради. Албатта, тошкентликлар тумандаги «Ором» болалар бoғчаси тўғрисида кўп эшитилган. Чунки шу боғча-нинг тарбияланувчилари

ихтиёрига топширилади. Шунингдек, туманда нафис санъат мактаб-интернати, 2 та лицей, 6 та коллеж, 2 та олий ўқув даргоҳи жойлашган. Ҳар бир билим даргоҳини батафсил таърифлашнинг имкони йўқ. Лекин халқ шукору-

зилди. Шаҳар миқёсида ташкил этилган 2 та меҳнат ярмаркасида туман корхона ва ташкилотлари қатнашди. Натижада, бу ярмаркаларда 2 мингдан зиёд кишига янги иш ўринларида ишлаш учун тавсия берилди. Ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги меҳнат фаолиятини бошлади.

Жисмоний тарбия ва спорт — саломатлик гарови

Туман ҳудудида 4 та стадион, 10 та баскетбол, 58 та спорт зали, 183 та спорт майдончаси, 5 та спорт клуби, 3 та болалар-ўсмирлар спорт мактаби мавжуд.

Айниқса, кейинги йилларда «Учтепа», «Қўргонтепа» ва «Журжоний» спорт мажмуаларининг қуриб фойдаланишга топширилиши туман кўрғига кўрк, спорт ихлосмандлари шодлигига шодлик қўшди. Эндиликда бу спорт мажмуаларида туманнинг юзлаб ёшлари саломатлигини мустаҳкамлапти, спорт сирларини ўрганишпти. «Боғишамол» маданият ва истироҳат боғи Бўзсув бўйида, баҳаво жойда. Умумий майдони 4,2 гектар. 5 та болалар аттракцион, 2 та ёғи саҳнаси бор. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан бу жойда ҳам ободонлаштириш ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Учтепалар байрамнинг айрим тадбирларини шу ерда ўтказишни режалаштирилган.

Қутлуғ байрамларга Учтепа туманидаги барча маҳаллаларда қизгин тайёргарлик қурилади. Гузарлар таъмирлангипти, тўйхоналар қурилангипти, кўчалар обод қилингипти, дарахтларга, гулларга ишлов берилгипти. Қўчаларга, гузарларга байрам нафасини берувчи баннерлар ўрнатилгипти. Шунингдек маҳалла таъкидлашимиз керак. Учтепадаги кўпчилик маҳалла гузарлари ҳам кейинги йилларда бутунлай қайта қурилди ва замон талаблари асосида жиҳозланди.

Қадим-қадимда...

Учтепа тумани ҳудуди Тошкент қалъаси ташқарисидан бўлган. Ундаги мавжуд табиий тепаликлардан Кўкча, Самарқанд дарвозаларига хабар ўтказиш жойи сифатида фойдаланилган. Кўкча оқтепаси, Самарқанд дарвоза оқтепаси каби жойларнинг борлиги шундан далолатдир. Ана шундай тепаликлардан бири V-X асрларда Фозилтепа бўлганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди. Афсуски, бу иншоот қолдиги сақланиб қолмаган. Лекин XVII асрда қурилган Чўпонто мақбараси жуда яхши сақланган. Демак, Учтепа тумани тарихи ҳам асрлар билан бўйлашди, десак хато қилмаган бўламиз.



А.Хўжаев номидаги Республика дизайн коллежи

Фарход кўчаси

«ХОВОСДОН»НИНГ БЎРСИЛДОҚ НОНЛАРИ

«Ховосдон» акциядорлик жамияти Гулистон шаҳрида ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Иссиқ нон» корхонасини ишга туширди. Бу ерда тўйинтирилган ундан 40 га яқин турли нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилапти. Корхона ва унинг қошидаги «Иссиқ нон» дўконидеда суткасига ун сменали иш ташкил қилинган бўлиб, бу шаҳар аҳолиси дастурхонига узлуksиз иссиқ нон етказиб бериш имконини бермоқда. Янги корхона очилиши мунсабати билан соҳа мутахассиси ҳисобланган бир неча ўнлаб ёшлар иш билан таъминланди.

Мунаввар ПАРДАЕВ

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Узун туманидаги Холмухаммад Қулиёзов номидаги болалар оромгоҳи сўлим масканлардан бири. Айни кунларда бу ерда 363 нафар келажакимиз ворислари хордиқ чиқармоқда. Уларнинг мазмуни ва мароқли дам олиши учун туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, марказлашган тиббиёт бирлашмаси томонидан зарурий чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, масканда 18 нафар педагог фаолият кўрсатмоқда.

Дам олувчиларнинг мароқли хордиқ чиқаришлари учун барча ша-

роитлар муҳайё, — дейди оромгоҳ директори Хикматулло Шоймардонов. — Мавсумда улар учун кўплаб спорт жиҳозлари келтирилди. Узун ва Сарисой туманлари маданият уйи санъаткорлари томонидан тез-тез кўнгулчор дастурлар ўтказилапти. Яқинда хомийлик асосида Бойсун туманидаги «Меҳрибонлик уйи»дан келган тарбияланувчиларнинг 58 нафарига бепул ўқув қуроллари ва кийим кечаклар тарқатилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

